



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 10 август, № 164 (7394)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ, МАНГУ БЎЛ ОМОН!

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ҚУРБОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар! Халқимиз бутун мусулмон уммати билан биргаликда катта шоду хуррамлик ила қутиб олаётган Қурбон ҳайити билан сизларни, гўзал диёримиздаги барча мўминларни чин қабланимиз самимий табриклаб, энг эзгу тилакларимни билдираман.

Асрлар давомида эл-юртимизнинг маънавий ҳаётида беқиёс ўрин эгаллаб, жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳроқибат ва бағрикенглик тамойилларини янада мустаҳкамлаб келаётган ушбу қутлуғ байрам барчамизга муборак бўлсин!

Мана шундай шуқуҳли ва саодатли айёмда ҳаммамиз аввало Аллоҳ таборака ва таолога беадад шукроналар айтишимиз табиийдир.

Сиз, азизларга яхши маълумки, Ўзбекистонда сўнгги йилларда миллий-диний қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш, эътиқод эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, турли миллат ва элатлар ўртасида тотувлик, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳити тобора юксалиб бормоқда.

Айниқса, халқимизнинг ислом маданияти ва цивилизациясига қўшган

улкан ҳиссасини мамлакатимиз ва дунё жамоатчилигига етказиш, табаррук қадамжоларни обод қилиб, зиёратгоҳларга айлантириш, буюк аждодларимизнинг илмий-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш борасида бошлаган хайрли ишларимиз илму маърифатнинг қадрига етадиган эл-юртимиз ва халқаро ҳамжамият томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланмоқда.

Фуқароларимиз учун яратилган янги имконият ва шароитлар тўғрисида Маккаи мукаррамада муқаддас ҳаж амалларини адо этаётган 7 мингдан зиёд ватандошларимиз бугунги тинч-осойишта, эркин ҳаёт учун Парвардигори оламга ҳамду санолар айтиб, юртимизга раванак, халқимизга хайр-барока сўраб, дуои фотиҳалар қилишмоқда.

Ҳожиларимизнинг барчасини самимий муборакбод этиб, уларнинг она диёримизга соғ-саломат қайтиб келишларини тилаймиз. Улар ўзларининг ибратли фазилатлари, жамият ҳаётидаги фаол иштироки билан ёш авлодимизни эл-юртга садоқатли ва фидойи, ҳидоят йўлидан борадиган ҳалол

ва пок инсонлар этиб тарбиялашга муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонамиз.

Яратганнинг неъматлари зиёда бўлаётган ва шукроналик ҳислари қалбларимизни нурафшон қилаётган ушбу айёмда узоқ ва яқин ҳудудларда жойлашган барча мусулмон мамлакатларининг халқларини, хорижий дўст ва ҳамкорларимизни қутлаб, уларга тинчлик, бардавом тараққиёт ва фаровонлик ёр бўлишини тилаймиз.

Қадрли юртдошлар! Қурбон ҳайитининг мамлакатимизда мустақиллик байрами арафасида кенг нишонланиши халқимизнинг руҳи ва кайфиятини янада кўтармоқда.

Айни шу кунларда эл-юртимизга хос бўлган меҳр-мурувват, шафқат ва саховат туйғулари яққол намоён бўлиб, барчамизни эҳтиёжманд, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлар, ёлғиз кексаларнинг ҳолидан харабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, зиёратгоҳлар, муқаддас қадамжолар ва қабристонларни обод қилиш каби савобли ишларга давлат ёрдами билан амакдор бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон ва Жанубий Корея: ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги парламент делегациясининг Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин билан учрашуви бўлиб ўтди. Бу ҳақда Олий Мажлис Сенатининг Ахборот хизмати хабар берди.

Хамкорлик

Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин Ўзбекистон Республикаси парламенти делегациясини қутлар экан, жорий йил апрель ойида Ўзбекистондаги илқ ва самимий қабул учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга яна бир бор ўз миннатдорлигини билдирди.

Мун Чжэ Ин Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ва янгиланишларга юқори баҳо берди.

Корея Республикаси Президенти икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар барча йўналишда фаол ривожланаётганлигини мамнуният билан қайд

эти. Давлат раҳбарлари ўртасидаги яқин ва ишончли алоқалар Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатлари алоҳида стратегик шерикликнинг янги поғонасига кўтарилишига замин яратди.

Учрашувда Мун Чжэ Ин ташриф доирасида амалга оширилган келишувлар муваффақиятли рўёбга чиқарилаётганини, Ўзбекистонда уларни амалга ошириш учун ишчи мониторинг гуруҳи ташкил этилганини таъкидлаб, бу борада юзга келаётган барча масалани шахсан ўзи ҳал этишга тайёр эканини билдирди.

Парламент ҳаёти

АТОМ ЭНЕРГЕТИКАСИ СОҲАСИДА САЛОҲИЯТЛИ КАДРЛАР КЕРАК

Жиззах вилоятининг Фориш туманида Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан “Ядровий ва радиациявий хавфсизликни таъминлашда малакали кадрлар тайёрлашнинг муҳим вазифалари: амалиёт, муаммолар ва уларнинг ечими” мавзусида конференция ўтказилди.

Мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсати, шунингдек, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида йилдан-йилга энергия ресурсларига эҳтиёж ортиб бормоқда. Бу эса иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ишончли, самарали ҳамда барқарор қувват манбалари билан таъминлашни талаб қилапти.

Эксклюзив интервью

Айни пайтда етти минг нафардан зиёд хамюртимиз Саудия Арабистонининг Макка шаҳрида ҳаж ибодатининг энг муҳим амалларини адо этмоқда. Бунинг учун давлатимиз томонидан қандай чора-тадбирлар кўрилди? Бу йилги мавсумнинг ўзига хослиги нималарда намоён бўляпти?

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон АЛИМОВ “Халқ сўзи” газетаси учун берган эксклюзив интервьюсида шу каби саволларга батафсил жавоб берди.

ВАТАНИМИЗДА ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ДОИМИЙ БЎЛСИН

— Сўхбатимиз Ватандан олисда, муборак Қурбон ҳайити байрами шуқуҳи кезиб юрган бир пайтда бўляпти. Айтингчи, ҳожиларимизнинг бугунги кайфияти қандай?

— Ҳожиларимизнинг қувончлари чексиз, кайфиятлари ниҳоятда чоғ. Уларнинг қайси бирлари билан гаплашманг, ўзларининг мамнуликларини ифода қилапти. Давлатимиз раҳбарининг юртимиз

мўмин-мусулмонларига кўрсатаётган бундай юксак эътибори ва эҳтироми ҳожиларимизни руҳлантириб юборди.

Дарҳақиқат, ғурурланишнинг сабаблари кўп. Охириги йилларда барча соҳада олиб борилаётган улкан ислохотлар тўғрисида катта ўзгаришлар бўляпти, мамлакатимиз тараққиётга юз буряпти.

Янги қонун лойиҳаси

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯСИ

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган 700 мингдан ортиқ шахслар, шу жумладан, 100 мингдан ортиқ 16 ёшгача болалар ҳаёт кечирмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муносиб ҳимоялаш қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган. Бу йўналишда, айниқса, уларнинг ижтимоий муҳофазасини кафолатлайдиган қатор қонунлар қабул қилингани эътиборга молик. 1991 йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун ана шулардан биридир.

Айтиш жоизки, Президентимизнинг 2017 йил 1 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ишларни янги боқичга кўтарди. Мазкур Фармон билан тасдиқланган Дастур доирасида тегишли вазирликлар вакиллари ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокида “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан парламент қўйи палатасига киритилди.

БУНЁДКОРЛИК ШИЖОАТИ ЮРТИМИЗ КЎРКИГА КЎРК ҚЎШМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 7 августдаги Фармони мувофиқ август ойининг иккинчи ярқанбаши “Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари куни” сифатида нишонланиши белгиланган эди. Айтиш жоизки, мана, иккинчи йилдирки, соҳа вакиллари ушбу байрамни кўтаринки кайфият ҳамда юксак меҳнат марралари билан қарши олишмоқда. Зотан, сўнгги пайтларда жойларда қўллаб иншоотлар, уйлар, ижтимоий объектлар фойдаланишга топшириляпти. Бугун мавзеларни қамраб олган бунёдкорлик ишлари ҳам кам эмас. Кеча ушбу сана муносабати билан пойтахтимизда ташкил этилган тантанали тадбирда шундай фикрлар айтилди.



Тураржойлар ва умумий яшаш уйлари (янги қурилишлар ва реконструкциялаш ишлари)



Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Рекламага доир қонунчилик:

ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР КУТИЛМОҚДА?

Бугунги кунда мамлакатимизда реклама фаолияти 1998 йилда қабул қилинган "Реклама тўғрисида"ги Қонун ҳамда 6 та қонунности ҳужжати билан тартибга солинади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сибасати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган давра суҳбати реклама соҳасидаги миллий қонунчиликни такомиллаштиришнинг долзарб масалаларига бағишланди.

Қонунда электрон тижоратда товар (хизмат)ларни реклама қилишга нисбатан талабларни белгиловчи қоидалар мавжуд эмас, шунингдек, товарларнинг харидини рағбатлантирувчи тадбирларни реклама қилиш тартибга солинмаган.

Қонунда электрон тижоратда товар (хизмат)ларни реклама қилишга нисбатан талабларни белгиловчи қоидалар мавжуд эмас, шунингдек, товарларнинг харидини рағбатлантирувчи тадбирларни реклама қилиш тартибга солинмаган.



Қонунда электрон тижоратда товар (хизмат)ларни реклама қилишга нисбатан талабларни белгиловчи қоидалар мавжуд эмас, шунингдек, товарларнинг харидини рағбатлантирувчи тадбирларни реклама қилиш тартибга солинмаган.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУТАХАССИСЛАР ИШТИРОКИДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Янги таҳрирдаги "Метрология тўғрисида"ги қонун лойиҳаси мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (хизматлар) ва жараёнларнинг ҳавфсизлигини, сифатини ва рақобатдошлигини ошириш, шунингдек, ички бозорни ҳавфли товарлардан ҳимоя қилишни назарда tutади.

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари миллий эталонлар базаси, лабораториялар фаолияти билан ақиндан танишган ҳолда, иккинчи ўқишга тайёрланаётган мазкур ҳужжат лойиҳасини экспертлар ва мутахассис-

лар билан муҳокама қилиш мақсадида "Ўзстандарт" агентлигининг Ўзбекистон миллий метрология институтида бўлдилар.

фаолият соҳасидаги миллий сиёсат халқаро талабларга асосланиши лозимлиги, бу эса, ўз навбатида, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун энг қулай шaroитлар яратиши, шунингдек, савдодаги техник тўсиқлар юзага келишининг олдини олиши лозимлиги таъкидланди.

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯСИ

Айни вақтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан ушбу қонун лойиҳасини палатанинг навбатдаги ялпи мажлисига биринчи ўқишга қиритишга тайёрларлик ишлари олиб борилмоқда.

ижтимоий ҳуқуқларини тартибга солиди, аммо ҳуқуқлари жами спектрини қамраб олмайди.

Ўзбекистон Республикасида ноғиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг таҳлили қонун ижодкорлиги фаолиятида икки йўналиш — ноғиронлиқнинг "ижтимоий модели" ва "тиббий модели" тамойиллари мавжудлиги ҳақида хулоса қилиш имконини беради.

Қонун лойиҳаси БМТнинг Ноғиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси талабларини имплементация қилиши ва ноғиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида замонавий услублар, халқаро стандартларни жорий этишни назарда tutади.

"Ўзбекистон Республикасида ноғиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун ноғиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий хизматларга, айтишимиз керак, ижтимоий ёрдамга бўлган ҳуқуқларини, фойдалана олиш мумкин бўлган жисмоний муҳитни ва бошқаларни кафолатлайди.

Бундан ташқари, ноғиронлиги бўлган шахслар учун қулай жисмоний муҳит — бинолар, транспорт, ахборот ва алоқалардан фойдаланиш, улар учун ижтимоий, иқтисодий, маданий муҳит, соғлиқни сақлаш ва таълим хизматларининг турларидан фойдаланиш учун шароит яратлади.

Ноғиронлиқнинг мавжуд тушуначиси ноғиронлиги бўлган шахсларда қолган қобилиятларнинг мавжудлиги эмас, балки муайян қобилиятларнинг йўқолишига (тўлиқ ёки қисман) эътиборни қаратади.

Бундан ташқари, ноғиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиш ва ишга жойлашиш имкониятини таъминлаш, ижтимоий-маданий ҳаётда фаол иштирок этиши, дам олиши ва спорт билан шуғулланишига ёрдам беради.

Мавлудахон ХҲЖАЕВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси.

АТОМ ЭНЕРГЕТИКАСИ СОҲАСИДА САЛОҲИЯТЛИ КАДРЛАР КЕРАК

Бугунги кунда республика-миз энергия манбаи сифатида табиий газга қарама, чуқки айнан шу ресурслардан фойдаланиш электр энергияси ишлаб чиқариш умумий ҳажмида 85 фоизни ташкил этади.

Атом энергетикаси соҳасида кадрларни ўқитиш ва тайёрлаш мақсадида Президент қарори билан Тошкент шаҳрида Россия Федерацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ўртасида Атом энергетика бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ)нинг хавфсизлик бўйича барча талабларига жавоб берувчи қуввати 2 400 МВт бўлган иккинчи энергия блокдан иборат "3+" авлод атом электр станциясини қуриш тўғрисида Битим имзоланди.

Бундай қарорни қабул қилишда кўпгина омил ва ҳолатлар ҳисобга олинди. Улар орасида энергетик хавфсизлигини таъминлаш зарурати, атом электр станциясини қуриш тўғрисида Битим имзоланди.

Атом энергетикаси соҳасида кадрларни ўқитиш ва тайёрлаш мақсадида Президент қарори билан Тошкент шаҳрида Россия Федерацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ўртасида Атом энергетика бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ)нинг хавфсизлик бўйича барча талабларига жавоб берувчи қуввати 2 400 МВт бўлган иккинчи энергия блокдан иборат "3+" авлод атом электр станциясини қуриш тўғрисида Битим имзоланди.

ВАТАНИМИЗДА ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ДОИМИЙ БЎЛСИН

Шулар қаторида диний жабҳада ҳам оламшумул ишлар қилинган. Мисол учун, Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ҳадис илми мактаби барпо қилинаётгани, Мир Абд олий мадрасасининг ташкил этилиши, кўплаб масжид ва мадрасаларнинг очилиши, азиз-авлиёлар қадамжолари обод қилиниши — буларнинг барчаси эзгу савий ҳаракатларнинг бир қисми, ҳолос.

Шахрида беш юлдузли, Маккада эса тўрт юлдузли меҳмонхонада жойлашди. Бу ерда яшаш, оқатланиш бўйича яратилган шароит ўша тоифадаги хизмат кўрсатиш мажмуаларига қўйилган талабларнинг барчасига мос келади.

Бундан ташқари, ноғиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиш ва ишга жойлашиш имкониятини таъминлаш, ижтимоий-маданий ҳаётда фаол иштирок этиши, дам олиши ва спорт билан шуғулланишига ёрдам беради.

Ўзбекистонликлар ўзларини ҳудди ўз Ватанида юргандек ҳис қилишмоқда, мусофирликни сезишмапти. Сабаби ташкил этилган Ишчи гуруҳи, элликбошлар доимо уларнинг ёнида, 35 нафар шифокор соғлиқидан хабардор бўлиб турибди.

ган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Шунингдек, Фориш тумани ҳокимлигида бўлиб ўтган яна бир тадбир — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 2 июль куни қабул қилинган "Атом энергетикасида тинчлик мақсадида фойдаланиш тўғрисида"ги қонун муҳокама-сига бағишланди.

Илмий-техникавий салоҳияти миллий иқтисодий ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилаётгани илмий фаолият аҳамиятини янада оширди.

Зиёда АШУРОВА.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея: ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Жанубий Корея етакчиси Ўзбекистонда турли миллат ва элат вакиллари тинч-тотув яшаётганлигини таъкидлар экан, Ўзбекистонда корейс миллати вакилларига курсатилётган илқ муносабат учун Ўзбекистон халқига яна бир бор ўз ташаккурини изҳор қилди.

Учрашув якунида Мун Чжэ Ин Ўзбекистон Республикаси Президентига чукур ҳурмати ва эҳтиромини изҳор қилди, ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлашга умид билдирди ва Шавкат Мирзиёевни Корея Республикасига ташриф буоришини тақдир қилди.

Парламент ҳаёти

Мақсадли чора-тадбирлар илм-фан ривожига йўналтирилади

Бугунги кунда табиий ва меҳнат ресурслари ҳамда мамлакатимизнинг илмий-техникавий салоҳияти миллий иқтисодий ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилаётгани илмий фаолият аҳамиятини янада оширди.

Хусусан, республика олий таълим муассасаларида 26 минг 476 нафар профессор ва ўқитувчи фаолият юритмоқда, уларнинг 9636 нафари илмий даражаларга эга.

Бу ҳақда Тошкент молия институтига Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси ишчи гуруҳининг йўналишида алоҳида таъкидланди.

Мунисхон ҚАРИМОВА («Халқ сўзи»).

Хозир юртдошларимиз улуг ҳаж ибодатининг фарзларидан бирини адо этиш учун Арофат майдонида жам бўлишган.

риҳда биринчи марта Ўзбекистон хожиларининг тартиби, одоби, Ишчи гуруҳининг ишлаш тартиби Ҳаж ишлари вазирилик томони-дан юқори баҳоланиб, дунёдаги етакчи бешталик давлатлар сафига киритилди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мана шундай муқаддас жойларда нафақат ўзим, балки ўзбекистонлик хожилар номидан Президентимизни, халқимизни Қурбон ҳайити байрами билан муборакбод қиланам.

«Халқ сўзи» махсус мухбири Саид РАҲМОНОВ суҳбатлашди.

БОЛАЛАРНИ МАКТАБЛАРГА ҚЎШИМЧА КВОТА АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ЎЗГАРДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Болаларни давлат умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, мактабларга қўшимча квотага асосан қабул мактабларнинг имкониятидан келиб чиқиб, тегишли микрохудоуд бўйича асосий квотага тушмаган болалар учун амалга оширилиши белгиланди.

Брифинг

Бу ҳақда Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган брифингда маълум қилинди.

Илгари қўшимча квота — мактаблар имкониятидан келиб чиқиб, микрохудоуддан ташқарида истиқомат қилаётган мактаб ёшидаги, микрохудоуд ва микро-

худоуддан ташқари мактаб ёшига етмаган (тегишли йилнинг 1 сентябрга қадар 6 ёшга туладиган), шунингдек, мактабларда таълим бериш тили бўйича бошланғич билим (мулоқот қилиш) кўникмасига эга бўлмаган болалар учун ажратилар эди.

Эндиликда болаларни мактабларга қўшимча квота асосида қабул қилиш мактаб директорлари томонидан амалга оширилади. Авваллари ушбу вазифа Давлат хизматлари марказлари зиммасида эди.

Болаларни мактабларга қўшимча квота бўйича қабул қилиш 10 августдан 31 августга қадар амалга оширилиши белгиланди. Шунингдек, умумтаълим муассасаларига болаларни қўшимча квота бўйича қабул қилишда ундирилмаган тўлов бекор қилинди. Илгари бунинг учун бир болага нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг

ўн бараваридан кам бўлмаган миқдорда йғим ундирилиши назарда тутилган эди.

Шунингдек, анжуманда Вазирлар Маҳкамасининг "Туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали автотранспорт воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида"ги қарори ҳақида батафсил маълумот берилди.

Қарорга мувофиқ, "тонировка" нархлари орқа ойна (лобовой) учун текин, орқа ён ойна учун эса куйидагича нархлар белгиланади:

→ Жисмоний ва юридик шахсларга — БХМ (базавий

хисоблаш миқдори)нинг 10 баравари (2 млн. 230 минг сўм); → хорижий давлатлар юридик шахсларига — БХМнинг 20 баравари (4 млн. 460 минг сўм).

Илгари бу миқдор тегишлича жисмоний шахслар учун базавий хисоблаш миқдорининг 90 баравари, юридик шахслар учун 120 баравари, хорижий юридик шахслар учун 140 бараварини ташкил этган.

Брифингда бошқа муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти ҳақида ҳам тушунтиришлар берилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

Ички ишлар вазирлигида Эксперт-криминалистика бош маркази бошлиғи полковник Наил Галипшин Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси масъуллари ҳамда ХХР Жамоат хавфсизлиги вазирлигининг расмий вакиллари Лю Тунпин ва Ван Сюань билан учрашди.

Эксперт-криминалистика соҳасидаги ҳамкорлик

Учрашувда эксперт-криминалистика фаолиятида ҳодиса жойларидан олинган ашёвий далилларнинг экспертлик тадқиқотлари самардорлигини ошириш, автоматлаштирилган криминалистика идентификация тизимларини жорий этиш ва соҳа мутахассислари малакасини ошириш масалалари муҳокама қилинди. Келгусида икки томонлама ҳамкорликини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика бош маркази томонидан Хитой Халқ Республикаси Жамоат хавфсизлиги вазирлигининг Ашёвий далиллар маркази билан пулегилизатэка, рақамли экспертлар ва ДНК лабораториялари фаолиятига оид икки томонлама меморандум имзоланиши имкониятлари юзасидан тақлифлар билдирилди.

Халқаро таълим дастурлари факультети ташкил этилди

Самарқанд давлат университетиде юртимизда илк бор хорижий олий ўқув муассасалари билан ҳамкорликда халқаро таълим дастурлари факультети ташкил этилди.

Бу ерда Хитойнинг Сиан Жаотонг ва Шанси, Жанубий Кореянинг Сунчонхян, Хиндистоннинг Алигарх Муслим, Германиянинг Киел, Россиянинг Станкин Москва давлат технологиялар ва Санкт-Петербург университетлари ҳамда Исроилининг Холон технология институти ва Франциянинг Инженерия мактаби билан ҳамкорликда бакалаврият йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланади. Унда материалшунослик, санат математикаси, мехатроника ва робототехника, географик ахборот тизимлари ва масофавий зондлаш, муҳандислик, ахборот технологиялари, тарих, мактабгача таълим, психология каби йўналишларда мутахассислар ўқитилади.

Кичик тадбиркорлик субъектининг катта ишлари

Анджон вилоятида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтисодийтизимдаги улушини ошириш борасида маҳаллий ҳокимликлар мадад бермоқда. Асака туманида фаолият юритаётган "Анджон бройлер" МЧЖ ана шулардан бири.

— 2018 йилда ҳокимлик томонидан 61,8 гектар майдони ва қўшимча бино ажратиб берилди, — дейди жамият раҳбари Азизбек Жамолитдинов. — Бу имкониятдан унумли фойдаланиб янги бинолар куришга киришдик. Ҳозирга келиб, 60 нафар ишчи томонидан 300 та товуқ боқиланди. Ваҳолонки, бизга ер майдони

ажратиб берилмасидан аввал атиги 60 та товуғимиз бор эди. Яратилган шароит туфайли йиллик қувватимиз 1 миллион 800 мингга етди. Корхонада истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг ижросини таъминлаш орқали 2021 йилга бориб ишчилар сони 1000 нафарга етиши кўзда тутилган.

«Халқ сўзи».

БИЗ ва ЖАҲОН

Москва шаҳрида "JPMorgan Chase Bank" (АҚШ) молия холдинги ва "Асака" акциядорлик тижорат банки ўртасида халқаро намунадаги тузилмавий экспорт-кредит битими имзоланди. Бу ҳақда "Дунё" АА хабар берди.

АҚШНИНГ «JPMORGAN CHASE BANK» И ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ЙИРИК МИҚДОРДА КРЕДИТ АЖРАТАДИ

Жаҳонга машҳур компаниянинг Москвадаги офисида ушбу масалага бағишлаб ташкил этилган тадбирда ҳар икки молия муассасаси масъул шахслари, шунингдек, Ўзбекистоннинг Россиядаги

Technologies" компанияси томонидан олиб келинади. Мутахассисларнинг баҳолашича, лойиҳа рўйиби нафақат 300 та иш ўрни яратиш, балки маҳаллий бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъ-

JPMorganChase

элчихонаси вакиллари қатнашди.

Узаро эришилган келишувнинг умумий қиймати 36,4 миллион евро бўлиб, Хитойнинг "Sinosure" экспорт-кредит агентлиги сугурта кафилиги остида 7 йил муддатга берилди.

Ҳужжатда "Кварц" акциядорлик жамияти (РФ) томонидан Фарғона вилоятининг Куvasой шаҳрида энергия тежамкор технологиялар асосида флот усулдида силлиқланган ойна ишлаб чиқариш заводи курилишини назарда тутди.

Мазкур корхонада йиллик ишлаб чиқариш максимал қуввати 400 тонна ташкил этади. Технологик усуналар Хитойнинг "Shanghai Pony

минлаш ҳамда экспортни йўлга қўйиш имконини беради.

Эътиборлиси, бу "JPMorgan Chase Bank" молия холдинги томонидан Ўзбекистонда инвестициявий ва тижорий лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратилган илк кредит линиясидир.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозим, "JPMorgan Chase Bank" — Американинги йирик молиявий бренди. У тарихда АҚШдаги бир нечта йирик банкларнинг қўшилиб кетиши натижасида ташкил топган конгломерат ҳисобланади. Маъмурий қароргоҳи Нью-Йоркда жойлашган. Депозит активлари ҳажми 22,1 трлн. АҚШ долларини ташкил этади.

«Халқ сўзи».

БУНЁДКОРЛИК ШИЖОАТИ ЮРТИМИЗ КЎРКИГА КЎРК ҚЎШМОҚДА

Чиндан ҳам, бугун Ўзбекистон улкан курилиш майдонида айланган. Бундай юмушлар йирик шаҳарлардан ошиб, чекка қишлоқларга ҳам жадал кириб бораётгани эса янада эътиборга молик. Мамлакатимизда кейинги уч йил ичида курилиш ишлари ҳажми салкам 3 баробар кўпайиб, ушбу соҳада 32 404 та юридик шахс фаолият юритмоқда. Шу йилнинг 6 ойида худудларда курилиш фаолиятига ихтисослаштирилган 5 293 та янги корхона давлат рўйхатидан ўтказилган.

Жорий йилда инвестиция дастурлари доирасида молиявий манбалар ҳисобидан 3 мингга яқин объектлар, жумладан, 447 та мактабгача таълим муассасаси, 506 та умумтаълим мактаби, 218 та соғлиқни сақлаш, 12 та музика ва санъат мактаби, 8 та олимпия захиралари ва 14 та олий таълим объекти курилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Республикамиз бўйлаб замонавий тураржой массив-

лари, ижтимоий соҳа объектилари, мураккаб конструкцияли иншоотлар қад ростлаётир.

— Бу каби эзгу ишларда биз ҳам иштирок этиб, одамлар ҳаётини яхшилашга, озми-кўпми, ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз, — дейди "Ўзшаҳар курилиш инвест" инжиниринг компанияси директори ўринбосари Элёр Ризаев. — Бунда давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 22 ноябрдаги "2017 — 2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартиралар уй-жойлар куриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори дастурийамал бўлмоқда.

Мутахассислар бунёдкорлик жараёнида фойдаланилаётган асосий курилиш материаллари маҳаллий корхоналарда тайёрланаётгани ишга янада унум ва барака бахш этаётганини таъкидлашмоқда. Бинобарин, биргина жорий йилда умумий қиймати 220 миллиард сўмлик 10 турдаги маҳсулот маҳаллийлаштирили-



ши ҳисобига импорт ҳажми 26 миллион АҚШ долларига қисқариши кутиляпти.

Бундан ташқари, республика бўйича курилиш материаллари соҳасида ўтган йили 749 миллион АҚШ доллари ҳажмида инвестиция жалб қилинган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 1,5 миллиард, келгуси йилда эса 1,9 миллиард долларни ташкил этиши кутилмоқда.

Гап шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси, улардаги ўзгаришлар ҳақида борар экан, Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Обод қишлоқ", "Обод ма-

ҳалла" ва "Обод марказ" дастурларини ҳам алоҳида қайд этиш жоиз. Зеро, уларда белгиланган вазифарлар жойларда том маънода обод маззелар пайдо бўлишига замин яратмоқда.

Бу йил жами 351 массивда 15 010 та, яъни 2 992 та арзон намунавий уй-жой ва 12 018 та квартира курилиши режалаштирилган. Ушбу массивларда 346,3 километр ичимлик суви, 295,6 километр электр энергияси, 277,4 километр табиий газ тармоқлари ҳамда 151,6 километрлик ички йўллар куриляпти.

Умуман олганда, қад ростлаётган замонавий иморатлар, турли ижтимоий объектлар, кўча майдонлар, бог ва хиёбонлар — барча-барчаси халқимизнинг бугун муносиб турмуш кечирishiга хизмат қилаётгани билан аҳамиятли.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини биринчи ўринбосари — транспорт вазири А. Раматов сўзга чиқди.

Тадбирда санъат усталарининг концерт дастури намойиш этилди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ («Халқ сўзи»).

Ҳасан ПАЙДОЕВ ва Ҳасим ЙЎЛДОШЕВ олинган суратлар.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

Бир кунда 12 млрд. тонна муз эриб кетди



Гренландияда бир кун ичида 12,5 млрд. тонна муз эриб кетган. Бу ҳақда "Smithsonian" журнали хабар берди. Иклимишунос Мартин Стендаль Гренландия муз қалқонининг 60 фоиз юзаси 1 мм. қалинликда эриганини тасдиқламоқда.

Қор ва муз ҳақидаги маълумотлар миллий маркази мутахассислари бундай жадал жараён 1950 йилдан буён илк бор кузатилаётганини қайд этишди.

Уларнинг айтишича, жорий йил бошидан бери 248 млрд. тонна муз эриб кетган. Бу 2012 йилги рекорд даражага яқин. Ушундан 250 млрд. тонна, яъни муз қопламасининг 97 фоиз юзаси сувга айланган эди. Европада кузатилаган жазирама абдий музликларнинг эришига сабаб бўлгани айтилмоқда. Хусусан, Гренландияда ҳам ҳарорат ўртача кўрсаткичдан 15 — 20 даражага кўтарилган.

16 минг одам эвакуация қилинди

"Лекима" супертайфун Хитойнинг Чжэцзян музофотида кириб келди, дея хабар бермоқда "Евроныйос" телеканали.



Мамлакат метеорология хизмати табиий офатнинг хавфлилик даражасини энг юқори, дея баҳолаган. Мутахассисларнинг оғохлантиришича, у Шанхай музофотида ҳам етиб келиши мумкин. Бу ерда шамол тезлиги соатига 160 километргача етиши кутилмоқда. Шу боис махсус хизматлар томонидан соҳил бўйида яшовчи 16 минг киши эвакуация қилинган.

Айрим ороларда самолётлар қатнови вақтинча тўхтатилган. "Лекима" жорий мавсумдаги энг "кучли" дея таснифланган 10 та тўфондан бири ҳисобланади.

Қайси ичимликлар тишларни емиради?



"International Journal of Environment and Health" журналининг ёзишича, Польшанинги Варшава тиббиёт университети ходимлари томонидан ўтказилган тадқиқот хулосаси шундай. Аввалроқ Австралиянинг Мельбурн университетиде тадқиқотчилари таркибида кислотали қўшимчалар (лимон ва фосфор кислотаси) бўлган ичимликлар тиш эмалини 30 — 50 фоиз юмшатишини аниқлаган эдилар. Бундан маълум бўладики, уларнинг шакарсиз тури ҳам шакарлилари сингари тиш-

Шакар ўрнини босувчи — ксилит, эритрит, стевия каби сунъий бирикмалар тиш емирилишига сабаб бўлар экан.

ларга бирдек зарар еткази. Шу ўринда бундай ичимликларни ичиш керак эмасми, деган савол туғилади. Шифокорлар уларни истезьом қилгандан сўнг дарҳол тиш тозаламасликлари маслаҳат беришмоқда. Нега деганда, юмшаган тиш эмали қаватида тиш чўткаси зарар етказиши мумкин.

Олтмиш килограмм олтин «қаерга йўл олганди?»

Камеруннинг Дуала халқаро аэропортидан қиймати 2,8 миллион долларга тенг 60 килограмм олтинни олиб чиқишга бўлган уриниш фож этилди.

"korrespondent.net"нинг ёзишича, божхона ходимлари қимматбаҳо металлни "Ethiopian Airlines" лайнери йўловчилари учун мўлжалланган чойшаблар орасидан топилган.

Ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан маълум қилинишича, мазкур бойлик Хитой ёки БААга жўнатиш учун тайёрланган экан.

Хориж ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

ЭЪЛОН

«БЕСТ АУКЦИОН САВДО» масъулияти чекланган жамияти мулк бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади.

2019 йил 6 сентябрь куни соат 11.00 да ташкил қилинадиган савдога «Агробанк» АТБ Марказий амалиёт бошқармасининг 2019 йил 1 августдаги 22-11/219-сонли буюртмасига асосан, банк ҳисобидеги куйидаги автотранспорт воситалари алоҳида ЛОТ тартибиде чиқарилмоқда:

- 1. Бошланғич баҳоси — 121 654 654 сўм, 2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 951 GSA бўлган «SUZU SAZ NP 26» русумли (йўловчи ташувчи) автобус;
2. Бошланғич баҳоси — 121 654 654 сўм, 2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 948 GSA бўлган «SUZU SAZ NP 26» русумли (йўловчи ташувчи) автобус;
3. Бошланғич баҳоси — 69 165 110 сўм, 2015 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 845 JDA бўлган «Cobalt» русумли энгил (седан) а/в.
4. Бошланғич баҳоси — 69 165 110 сўм, 2015 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 847 JDA бўлган «Cobalt» русумли энгил (седан) а/в.
5. Бошланғич баҳоси — 69 165 110 сўм, 2015 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 846 JDA бўлган «Cobalt» русумли энгил (седан) а/в.
6. Бошланғич баҳоси — 64 911 159 сўм, 2013 йилда йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 483 TFA бўлган «Lacetti» русумли энгил (седан) а/в.
7. Бошланғич баҳоси — 80 588 354 сўм, 2017 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 996 YCA бўлган «Lacetti» русумли энгил (седан) а/в.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй. Тел.: 99-862-16-71, E-mail: bas_savdo@mail.ru

Губоҳнома № 576174. 65947

Advertisement for 'Халқ сўзидаги Реклама' (Advertising in 'Xalq S'uzi') featuring 'Сизнинг Рекламангиз бўлиши мумкин эди!' (Your advertising could have been here!) and 'бизнесингизни қўлаб-қувватлайди!' (will support your business!). Contact info: Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamax@mail.ru, reklama@xs.uz

Тафаккур дурдоналари топталмасин

Халқимиз азалдан нонни қандай азизлаган бўлса, сўзларни, битикларни, ҳикмату ҳикоятларни ўзида муҳасса этган, улардан ташкил топган китобларни шу даражада азиз ва муқаррам билгани ҳеч кимга сир эмас. Зеро, илм-маърифат ҳамда маънавиятнинг манзили — китоб. Ҳозирги кунда ана шу бебаҳо хазина қаторига босма нашрларни, хусусан, газета ва журналларни қўша, мутлақо тўғри бўлади...

Мушоҳада

Бугун, чинакам маънода маънавий юксалиш сари йўлга тушдик. Давлатимиз раҳбари ҳам китобхонликни устувор айлаб, мана шу эғзу

нун эканлигимизни сўз билан изоҳлашимиз мушкул. Таассуфки, айримлар борки, қилмишидан ёқа ушлайсан.

Яқинда Андижон вилоятининг деҳқон бозорларидан бирида ноҳуш ҳолатнинг гувоҳи бўлдик. Газетага ўралган гўшлар, китоб варақларидан ясалган халтачаларга солинган пистаю куртларни кўриб, тафаккур дурдоналарининг кадр-қиммати ачиндик... Афсуски, бундай салбий манзараларни бошқа бозорларда ҳам учратамиз. Гул

дўконларида газеталардан, айниқса, байрам кунлари дасталар ясаш учун фойдаланилади. Хатто айрим такси ҳайдовчиларимиз қор-ёмғир кунлари машиналарига супа каби тўшаб қўйишларига ҳам шохид бўлганлар бор...

Маънавиятга бундай ҳурматсизларча муносабат қачон пайдо бўлди? Оқибатда эртага қандай салбий ҳолатларга дуч келишимиз мумкин? Шу каби саволлар билан айрим юртдошларимизнинг фикр-мулоҳазаларига қўлқутдик.

Абдулахад ҲАФИЗОВ, Шайхонтоҳур тумани, "Фирдавс" жоме масжиди имом-ноиб:

— Исрофгарчилик Куръони қаримда ҳам қораланган. "...Иннаҳу ла хижибул мусрифин", яъни "У (Аллоҳ) исроф қилувчиларни севмайди", деб ёзилади муқаддас китобимизда. Шундай экан, Аллоҳнинг розилигига эришмоқчи бўлсак, Унинг буйруқларини сўзсиз бажаришимиз даркор. Қолаверса, тафаккуримизни бойитувчи китобу рўномадорни ўқиш, асраб-авайлаб, янги авлодга етказиш ҳам савобли амалдир. Зеро, қадим-қадимдан илм улашувчиларни халқимиз улуғлаган.

Нодир ЖОНУЗОҚ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари:

— Авваллари хонадонларда турли газета ва журналларнинг кўп йиллик тақламлирига кўзимиз тушарди. Юртдошларимиз ўзлари обун бўлган газеталарни йиғиб, авайлаб-асрашарди. Ҳозирги кунда ҳам шундайми? Бу саволга жавоб беришда ўйлиниб қолаётганимиз ачинарли. Ахир тўпланган сара материаллар кун келиб ноёб хазинага

айланиши, шубҳасиз. Қисқача айтганда, турли ҳикматлари мўтабар инсонларнинг суратлари туширилган газета-журналларни, китобларни топтаётганлар ўзларининг маънавиятсизлигини шу орқали намойиш этаётганлардир.

Бобоёр ТўРАЕВ, психолог:

— Мутолаа манбаига эътиборсизлик шундай давом этса, одамлар руҳиятида салбий ўзгаришлар содир бўлиши мумкин. Психологияда ҳам бу борада турли исботлар келтирилган. "Қовун қовундан ранг олади", дейди халқимиз. Жумладан, оилада китобга беписанд муносабатни кўрган боладан яхши ўқиш, би-

лим олишни талаб қилиш қийин. Ҳар тонг отаси ёки онасининг газета варақлаб, кунни бошлаганини кўрган ёшдан ҳам келажақда матбуотга ҳурмат асосидаги муносабатни қўтиш мумкин.

Юсуфбек ҲАБИБУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳридаги гул дўкони сотувчиси:

— Тан олиш керак, кўпчилик гулчилар газеталардан ўқий учун фойдаланишмайди. Шахсан мен ҳам гулларни ўраш учун катта ҳажмли газеталар сарҳфаларини ишлатаман. Сабаби газеталарга ўралган гуллар зарқоғозга ўралганига нисбатан узокроқ муддат тетик туради, сўлиб қолмайди.

Мавзуга доир фикрларимизни машҳур ёзувчи Рей Бредбернинг "Фаренгейт 451 даража" асарида қайд этилган воқеа асосида яқунламоқчимиз. Ушбу асар бош қаҳрамони Гайнинг вазифаси давр талаби боис ўт ўчирувчи эмас, қарангки, ўт ёқувчи бўлади. Яна китобларни ёқувчи! У жуда кўп тафаккур дурдоналарининг қулини кўкка совиради. Бир куни кекса бир аёлнинг шахсий кутубхонаси ҳақида хабар топади ва дарҳол бориб унга ўт қўяди. Китоблари ёнаётганига чидолмаган қария эса ўзини алангага отиб, жонига қасд қилади. Асар қаҳрамони уни кўриб, жуда қаттиқ таъсирланади ва бу воқеадан сўнг ўзи ҳам китоб ўқий бошлайди. Хулоса ўзингиздан...

Юлдуз ЎРМОНОВА («Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

«C and H Industry» МЧЖ ХК
Volvo Construction Equipment ва SDLG корхоналарининг

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий дилерлик фаолиятини юритиб келмоқда ва қуйидаги махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади:

Гилдиракли экскаваторлар (ковши ҳажми 0.3 кубдан 1.1 кубгача).
 Занжирли экскаваторлар (ковши ҳажми 1.0 кубдан 3.0 кубгача).

Шунингдек, SDLG (Хитой Халқ Республикаси) корхонаси VOLVO GROUP таркибига кириб, экскаватор-юклагичлар, фронтал юклагичлар, автогрейдерлар ва катокларни ҳам ишлаб чиқаради.

VOLVO махсус қурилиш техникалари

Гилдиракли экскаваторлар Занжирли экскаваторлар

SDLG махсус қурилиш техникалари (Volvo Group таркибига киради)

Фронтал юклагичлар Экскаватор-юклагичлар Автогрейдерлар Катоклар

Таклиф этилаётган барча техника учун кафолат муддати тақдим қилинади.
 Техник хизматлар курсатиш маркази ва эҳтиёт қисмлар омбори мавжуд.

Тўлов шартлари: пул ўтказиш, лизинг.

Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Ўзғариш» ҚФЙ, Белариқ маҳалласи, 712-уй. (Мўлжал: «Турон» автосалони).
 Тел.: 90-123-77-77, 71-252-50-03.
 www.motoblok.uz t.me/motoblokuz

Маҳсулотлар сертификатланган.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги

қурилиш соҳаси ишчи-ҳодимлари, меъмор ва муҳандислари ҳамда муҳтарам фахрийларини

Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ҳодимлари куни

билан салимий тадбирлайди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини янада раванқ топтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган бунёдкорларимиз бугун катта эътироф ва ҳурматга сазовор. Уратувчанлик фаолиятингиз юртимиз гуллаб-яшнаши, ҳаётимиз янада обод, гўзал ҳамда тароватли бўлишига қаратилгани, бино ва иншоотлар қурилиши инновацион технологиялар ҳамда замонавий сифат стандартларига мувофиқ, амалга оширилаётгани таҳсинга лойиқ. Мутахассислар эришаётган бугунги ютуқлар бевосита ўстозлар ўғити ва асрлар қавомида шаклланган анъаналаримиз маҳсулидир.

Янги, жозибадор лойиҳаларга асосланган истиқболли объектлар барпо этиш йўлида асло чарчаманг!
 Ишларингизга омад ва зафарлар тилаймиз.
 Оилангиз мустаҳкам, қўвончингиз барқавом бўлсин!

Байрамингиз муборак, азиз қўстлар!

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 50 703 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
 Девонхона 71-233-52-55;
 Котибият 71-233-10-28; Ўзлонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлабмақал тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
 Газетанинг сўзсиз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
 Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
 100000,
 Тошкент шаҳри,
 Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
 Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
 Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
 Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 22.00 Топширилди — 23.25 1 2 3 4 5 6